

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМАТОВА ДИЛАФРУЗ НУСРАТИЛЛОЕВНА

**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪЛИМОТИ,
АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Рахматова Дилафруз Нусратилловна

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик таълимоти, асарларининг тил ва
услуг хусусиятлари 3

Рахматова Дилафруз Нусратилловна

Лингвистическое учение Махмудходжа Бехбуди, языковые и
стилистические особенности его произведений 21

Rakhmatova Dilafruz Nusratilloevna

Linguistic teaching of Mahmudkhoja Behbudi, linguistic and stylistic features of
his works..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМАТОВА ДИЛАФРУЗ НУСРАТИЛЛОЕВНА

**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪЛИМОТИ,
АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PhD/Fil1553 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Суюн Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Элтазаров Жўлибой Данабаевич
филология фанлари доктори, профессор

Нормаматов Султонбек Эрматович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (401-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филология ф.б. фалсафа доктори (PhD)

Д.Б.Уринбаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида минг йиллар мобайнида халқларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини, миллий, тарихий ва маданий хусусиятларини ўзида мужассам этган кўплаб лингвистик таълимотлар юзага келган. Ушбу лингвистик таълимотлар тил илми билан шуғулланган муайян шахслар томонидан асосланиб, халқларнинг тафаккур тарзи, луғат бойлиги, этник тарихи, каби ментал хусусиятларини ифодалашга хизмат қилган. Жаҳон тамаддунига хизмат қилган буюк мутафаккирлар томонидан яратилган асарларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш тил тараққиётининг маълум даври бўйича муайян хулосаларга келишга имкон беради. Замонавий тилшуносликда тарихий шахсларнинг тил ҳақидаги қарашларини бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда халқларнинг миллий руҳини ифодаловчи миллий-маданий мазмунга эга асарлар тилини ўрганишга стилистик, лингвокультурологик, сихолингвистик, лингвокогнитив ва социолингвистик жиҳатдан ёндашиш, асарларда қўлланилган лисоний бирликларнинг этномаданий хусусиятларини аниқлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Дунёнинг етакчи илмий марказларда ҳозирги пайтда бадиий асарлар матнларини антропоцентрик йўналишда тадқиқ қилишнинг оммалашаётганлиги турли маданият вакиллариининг лисоний қарашлари яхлитлашаётганидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, миллий тилларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ривожига ҳисса қўшган асарлари тили ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг жадид маърифатпарварлари фаолиятига кенг эътибор қаратилган бўлса-да, асарларининг тили ва услуби, фонетик-грамматик жиҳатлари, лексик қатлами тадқиқи ниҳоясига етказилмаганлиги ўзбек тилшунослигининг ҳал этилиши шарт бўлган долзарб масаласига айланди. Бинобарин, “Самарқанд тупроғида вояга етган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдукодир Шакурий, Сиддикий-Ажзий, Ҳожи Муин, Абдулҳамид Мажидий сингари ўнлаб маърифатпарвар фидойиларнинг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба”¹ ҳисобланади. Миллий қадриятларимизни тиклаш ишларида буюк боболаримиз яратган меросга аҳамият қаратиш муҳим. Жадидлар яратган асарларнинг бугунги кун фан тараққиёти даражасида лексикографик тадқиқи ҳам ўзбек тилининг миллий тил бойлигини оширишда хизмат қилиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.178.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар томонидан Туркистон маданий-маърифий ҳаёти, унда жаҳидларнинг тутган ўрни ва фаолияти маълум даражада тадқиқ қилинган.² Жаҳидшунос олима З.Мирзаеванинг “Ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилиши” мавзуидаги номзодлик ва “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” мавзуидаги докторлик диссертациясида жаҳид адабиётининг хорижда ўрганилиши таҳлил қилинган.³

Мустақиллик даврларида жаҳид адабиёти намояндаларининг бадиий, илмий ва публицистик асарларини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунга М.Қурбонова, М.Йўлдошев, Ё.Сайидов, Д.Неъматова, Т.Тоғаев, З.Чориева, Л.Жалолова ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин⁴. С.Нормаматов ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва

² Hayit Baymirza. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstad, 1956.; Allworth Edward. Uzbek Literary Politics. – New York: Columbia University Publications, 1964.; The Beginnings of the Modern Turkestanian Theater // Slavic Review. Vol.23, №4. (Dec., 1964). – P.676–687.; Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. Ph.D. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993.; Komatsu Hisao. 20 Yüzyıl Başlarında Orta Asya’da Türkcülük ve Devrim Hareketleri. Ankara, 1993.; Kocaoğlu Timur. Türkistan’da Türkçe İlk Tiyatro Eseri: Mahmud Hoja Behbudi’nin “Pederküş” (Baba Katili) Piyesu (1913) // Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue1. (Mar., 2001). – P.72-88.; Балдауф Ингеборг. XXасрўзбекадабиётигаайримчизгилар. Тошкент: Маънавият, 2001.; Shimada Shizio. An Index of Ayina. Oyina jurnalining mundariyasi. Islamic Area Studies. Central Asian Research Series. – Tokyo, 2002. №5.; Sahadeo Jeff. Russian colonial society in Tashkent, 1865–1923. – Bloomington: Indiana University Press, 2007.

³ Мирзаева З. Ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилиши. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2007.; Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан.док. дисс... (DSc) – Тошкент, 2017.

⁴ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1993; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2001; Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2004; Тоғаев Т.

ривожланишида жадид маърифатпарварларининг тутган ўрнини таҳлилий мисоллар ёрдамида талқин қилди.⁵ С.Ҳалимова томонидан 1914-1915 йиллар давомида нашр қилинган “Садойи Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари” таҳлил қилинган.⁶ Н.Эгамқулованинг илмий иши эса “XX аср бошлари адабий жараёни муаммолари”га бағишланган бўлиб, 1906-1917 йиллар ўзбек вақтли матбуоти жанрлари ва мавзулар кўлами ўрганиб чиқилган.⁷ XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи бўйича кузатишлар олиб борган С.Муҳиддинов бу даврдаги мадрасалар, рус-тузем ҳамда жадид мактаблари фаолияти хусусида илмий хулосалар баён қилган.⁸ Шунингдек, Ш.Бобомуродова,⁹ Қ.Қодиров¹⁰, Ё.Саидов¹¹, Н.Янгибоевалар¹²нинг илмий изланишларида XX аср бошларидаги лингвистик жараён, жадид адабиётининг тили ва услубий хусусиятлари, ўзбек тили грамматикаси ҳақидаги фикрлари жамланган.

Ф.Бобожонов Бехбудий ва Авлоний драмалари мисолида жадидларнинг ўзбек миллий адабий тили шаклланишидаги ролини изоҳлаган.¹³ Н.Авазов Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий меросини илмий ўрганиш жараёнида адибнинг бадиий, публицистик асарларини таҳлил қилган.¹⁴ Бундан ташқари, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий фаолияти, педагогик ва фалсафий қарашлари, нашр ва ноширчилик ишлари, публицистик мақолалари ҳамда жадидона қарашлари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган.¹⁵

Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. дисс.... – Тошкент, 2005; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс.... – Тошкент, 2006; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс.... – Тошкент, 2007.

⁵Нормаматов С. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни. Филол.фан.д-ри (DSc) дисс... – Тошкент 2019.

⁶ Ҳалимова С. “Садойи Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари (1914-1915). Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2001.

⁷ Эгамқулова Н. XX аср бошлари адабий жараёни муаммолари: Филол. фан.фалсафа д-ри.(PhD) дисс... – Тошкент, 2021.

⁸ Муҳиддинов С. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи. тарих.фан.фалсафа д-ри. (PhD) дисс... – Самарқанд, 2020.

⁹ Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожда Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2002.

¹⁰ Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида): Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2007.

¹¹ Сайидов Ё. Жадид бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс... – Тошкент, 2018.

¹² Янгибоева Н. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни (“Маориф ва ўқитғучи” журнали материаллари асосида): Филол. фан.фалсафа д-ри.(PhD) дисс... – Қарши, 2019.

¹³ Бобожонов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Бехбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз... дисс... –Самарқанд, 2002.

¹⁴ Авазов Н. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий мероси: Филол.фан.номз.дисс... – Тошкент,1995.

¹⁵ Ахророва З. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг педагогик қарашлари ва маърифий-амалий фаолияти: пед. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1997.; Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1998.; Амриддинова Д. Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 2006.; Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари: пед. фан. док. дисс... – Тошкент, 2008.; Абдулхайиров Б. Миён Бузрук Солиҳов – ўзбек жадид драматургияси ва театри тадқиқотчиси: Филол. фан. номз. дисс...– Тошкент, 2010.; Ражабова Д.Н. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари): тарих фан. номз. дисс...–Тошкент, 2003.; Нишонов Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида “Ойина” журналининг ўрни ва аҳамияти: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008.; Ашурова Х. Самарқанд жадидларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чораги): Фалсафа фан. фалсафа д-ри.(PhD) дисс... – Самарқанд, 2020.

Юқорида келтирилган илмий ишларнинг кўпчилиги тарих ва педагогик йўналишда бўлиб, Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг тили ва услуби хусусида тўлиқ маълумот бера олмаслиги мазкур мавзуни монографик режада махсус ўрганишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан, Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқот объекти сифатида белгиланиши танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек тили бирликларининг функционал-стилистик ва когнитив-прагматик таҳлили масалалари” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тил таълими ривожига қўшган ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий, маърифий ва бадиий асарлари ҳамда адабий-танқидий мақолаларининг тили ва услубий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тил ҳақидаги қарашларини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маънавий-маърифий фаолиятида она тилини ўқитиш масалаларини ўрганиш ва қиёслаш;

Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг электрон матнларини яратиш;

электрон матнларга лексикографик ишлов бериш;

алфавитли, частотали, терс луғатларини тузиш ва изоҳли луғатга замин тайёрлаш;

тадқиқот жараёнида яратилган луғатларга таянилган ҳолда Маҳмудхўжа Бехбудий асарлари мисолида лингвостатистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик таҳлилларни амалга ошириш;

интернет тизимида яратилаётган ўзбек тили миллий корпусига Маҳмудхўжа Бехбудий илмий-ижодий меросини жойлаштириш.

Тадқиқотнинг объектини Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 2018 йил “Akademnashr” нашриёти томонидан нашрга тайёрланган “Танланган асарлар”и, “Китобат ул-атфол” ўқув дарслиги, “Самарқанд” газетаси, “Ойина” журналидаги мақолалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг лингвистик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, этнолингвистик, қиёсий-типологик, статистик ва семантик-стилистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик қарашлари ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик, имловий жиҳатдан меъёрлашуви, сайқалланиши, такомили ҳамда ривожига ва ҳозирги даражага келишида муҳим роль ўйнаганлиги очиб берилган;

Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг арабча, форс-тожикча, русча лексик сатҳи ва тарихий-архаик, неологизмлар таркиби, полисемантик ва стилистик маънолари ҳамда лингвопоэтик аҳамияти далилланган;

Маҳмудхўжа Бехбудий асарлари юзасидан тартиб берилган алифболи терс луғатларда ўша давр адабиётига хос тил бирликларининг қўлланилиш частотаси белгиланиб, фонетик, морфологик луғавий шакллари ҳамда доимий сўзлашувдаги *ношир*, *абёт*, *маориф* каби фаол сўзлар ва *ситрус*, *осонсур*, *кажмор* каби нофаол қатламлари аниқланган;

Маҳмудхўжа Бехбудий асарларида кузатилган *Оврупо*, *жўгрофия*, *Кафкоз* сингари фонетик ҳамда гапларнинг тузилишидаги грамматик ўзгаришлар, лексик қатламлардаги қуйидаги: *маирута* (*конституция*), *истинтиқо* (*тергов*) каби ўзлашма сўзларнинг маъно жиҳатлари мавжудлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўзбек тили таълими ривожига ҳиссаси, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва бадий асарлари ҳамда адабий-танқидий мақолаларининг тили ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, ҳозирги ўзбек тили, ўзбек тили тарихи, лингвокультурология ва социолингвистика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асослаб берилган;

Тадқиқот натижалари юзасидан чиқарилган илмий хулосалар, тузилган алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлар шаклидаги амалий натижалар нафақат таълимнинг барча бўғинларида тил ўқитишни янада такомиллаштириши, балки бехбудийшунослик истиқболини белгилаши ва бу борада яратиладиган монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Тил тараққиёти давомида жаҳид адабиёти намояндаларининг, шу жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг катта аҳамият касб этиши ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ва янги назарий ва амалий курсларнинг ташкил этилишида манба бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги жаҳид адабиётини тилшунослик доирасида ўрганиш борасидаги муаммоларнинг аниқ қўйилгани, тадқиқотга жалб қилинган ёндашув усуллари, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, тадқиқот усуллариининг илмий мақсадга мувофиқлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметиға мослиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, лингвостатистик, лингвопоэтик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, функционал услубларнинг шакллана бориши Бехбудий асарлари мисолида далилланганлиги, Бехбудийнинг лингвистик қарашлари бугунги кунда ҳам

долзарб эканлигининг исботланганлиги, ўзбек тилининг Давлат тили миқёсида кўтарилишида жадидларнинг, шу жумладан, Бехбудийнинг хизматлари беқиёс эканлигини очиб бериш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида “Ўзбек тилшунослиги тарихи”, “Ўзбек адабий тили тарихи”, “Ўзбек шевашунослиги”, “Туркий тиллар қиёсий грамматикаси” каби фанлар бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, диссертацион ишларни ёзиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашрга тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллий тил таълими ривожига қўшган ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий, маърифий ва бадий асарлари ҳамда адабий-танқидий мақолаларининг тили ва услубий хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик қарашлари ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик, имловий жиҳатдан меъёрлашуви, сайқалланиши, такомил ҳамда ривожда ва ҳозирги даражага келишида муҳим роль ўйнаганлиги, жадид адабиёти намояндалари асарларида фольклор жанрининг қўлланилган хулосаларидан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г00 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2016 йил 16 январдаги 17.01/256-сон маълумотномаси). Натижада давр тили тараққиётида фольклорнинг аҳамияти исботланиб, лексик сатҳдаги сўзларнинг лингвопоэтик аҳамияти далилланган;

Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг арабча, форс-тожикча, русча лексик сатҳи ва тарихий-архаик, неологизмлар таркиби, полисемантик ва стилистик маънолари ҳамда лингвопоэтик аҳамиятидан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-1005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 10 сентябрдаги 17.01/217-сон маълумотномаси). Натижада фольклор элементларининг бадий асарларда ишлатилиши, луғавий шакллардаги ўзгаришлар ва унинг аҳамияти очиб берилган;

Маҳмудхўжа Бехбудий асарлари юзасидан тартиб берилган алифболи, терс луғатларда ўша давр адабиётига хос тил бирликларининг қўлланилиш частотаси ҳамда тил тараққиёти давомида маълум бир даврнинг тилдан фойдаланиш жиҳатлари катта аҳамият касб этиши нуқтаи назаридан олинган хулосалар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Танланган асарлар”ининг (Тошкент, “Akademnashr” 2018.) алфавитли, сўзлик (ISBN 978-9943-7461-6-9),

частотали, терс (ISBN 978-9943-7461-7-6), Изоҳли луғатлари (ISBN 978-9943-8516-8-9) нашр қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, хусусан, 5 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Мавзунинг хорижда ва мамлакатимизда ўрганилганлик даражаси қайд қилинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончли эканлиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик таълимоти”** деб номланиб, унинг *“XX асрнинг бошларида Туркистон жади́дчи́лик ҳаракати намояндаларининг миллий тил таълимига муносабати”* номли биринчи бўлимида XX асрнинг бошларида Туркистон жади́дчи́лик ҳаракати намояндаларининг миллий тил таълимига муносабати ҳақида сўз юритилган. Бинобарин, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар – ўлканинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши ва Октябрь тўнтаришидан кейин шўролар ҳукмронлиги ерлик халқларнинг турмуш тарзига қанчалик салбий таъсир кўрсатган бўлса, уларнинг тили ҳам шу даражада тазйиқ остида бўлган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда фаолият олиб борган жади́дчи́лик ҳаракати намояндаларининг тил ислохотидан мақсадлари умумлаштирилганда, туркий халқларни умумий бир тил атрофида бирлаштириш, араб, форс-тожик ва рус тили сингари чет тилларидан кириб келган сўзлардан фойдаланишни тартибга солиш ва бунда давр тараққиётини инобатга олиш, замонавий ўзбек тилининг имло луғатларини яратиш, грамматикасини ишлаб чиқиш, пунктуациясини такомиллаштириш, функционал тил услубларини шакллантириш, Туркистоннинг турли ҳудудларидаги шеваларни чуқур ўрганиш, ўзбек журналистикасини мутлақо

янги асосга қўйиш кабилардан иборат бўладики, буларнинг барчаси ўз даври учун инқилобий ғоялар эди.

Биринчи бобнинг *“Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тил таълимига оид қараишлари”* деб номланган иккинчи бўлимида Туркистонда, хусусан, Самарқандда ташкил этилган “усули савтия” жаид мактаблари фаолияти ва уларда тил таълими хусусида сўз юритилган. Бехбудий миллатнинг таназзулга юз тутиб бораётганидан ташвишланиб, бунинг асосий сабаби илмсизлик ва тил билмаслик, деб билади. “Жуғрофия илми” мақоласида шундай ёзади: “На даражаларга таназзул қилишимиз кўзи очиқ кишига маълумдир. Надан? Илмсизликдан! Ал-он русий ва фарангийдан, форсий, арабий, туркий тиллариға яхши ва мунтазам жуғрофия ҳайъат китоблари таржима бўлган, ўшал китобларни ўқумагунча дунёи ҳолиядан хабардор бўлмоқ асло бўлмайдур”.¹⁶

Маҳмудхўжа Бехбудий доимий равишда газета ва журналларда тилга оид мақолалар бериб борди. Шулардан бири “Ойина” журналининг 1915 йилдаги 11 ҳамда 12 сониди “Тил масаласи” сарлавҳаси остида бўлиб, унда Бехбудий ўзбек тили имлоси ва адабий нормаси билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр юритган. Ушбу мақолада кўтарилган жиддий муаммолардан бири ўзбек (чиғатой) тилининг кўп шеваҳои тил эканлигидир. Бу ҳол эса ўзбек адабий тилини меъёрлаштиришда ўзига хос қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкинлиги хусусида фикр юритади.

Биринчи бобнинг *“Бехбудийнинг тил ҳақидаги қараишлари”* деб номланган учинчи бўлимида маърифатпарвар ватандошимизнинг тил, хусусан ўзбек тили равнақиға оид қараишлари, бу борадаги фаолияти таҳлил қилинган.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Исмоилбек Гаспирали архивида сақланаётган Россия давлат III Думасига юборилган лойиҳаси 1907 йилда ишлаб чиқилган ва Темур Хўжа ўғли томонидан 2001 йилда илк марта эълон қилинган.¹⁷ Лойиҳада “Туркистон халқи ҳар ҳуқуқда русийлар ила баробар бўлсин” деган талаб илгари сурилади. Асосий мақсад эса, биринчидан, маҳаллий халқ эркинлигини таъмин этиш, ҳақ-ҳуқуқ масаласида руслар билан тенгликка эришиш бўлса, иккинчидан, Туркистонда миллий тил масаласини илгари суриш эди. Асрлар давомида ўзбек тили қатламиға хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий киритилган араб, форс сўзларидан воз кечиш, унинг ўрнида туркий сўзларни ишлатиш, бунинг учун эса шеваларға мурожаат этиш мумкинлиги ҳақида қайғуриши Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тил билимдони сифатида ҳақиқий миллатпарвар эканлигидан далолат беради.

1913 йилда ёзилиб, “Ойина” журналида чоп этилган “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласи буюк маърифатпарварнинг нафақат тилға бўлган муносабатининг, балки дунёға чиқишнинг йўллари кўрсатиб берилганлиги билан илмий ва амалий аҳамиятға эға бўлган асардир.¹⁸ Дунё тараққиётидан

¹⁶ Бехбудий М. Танланган асарлар, I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018. –Б.219.

¹⁷ Бехбудий М. Танланган асарлар, I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018. –Б.137.

¹⁸ Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим / Танланган асарлар, I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018. –Б.396-398.

ортда қолмаслик нафақат рус тили, балки хорижий тилларни, жумладан, француз тилини ҳам билиш кераклигини ўша даврда баралла айта олгани учун ҳам замондошлари Маҳмудхўжа Бехбудийни ҳақиқий миллат жонкуяри деб билишган эди. Бу борада С.Каримов “Бехбудий – ўзбек тилининг жарчиси” мақоласида қуйидагиларни ёзган эди: “Ўтган юз йилга яқин вақт орасида биз учун истеъмолда бўлган тилларга нисбатан муносабат, уларнинг истеъмол учун муҳимлик даражаси маълум маънода ўзгарган бўлиши мумкин, албатта. Аммо тил фалсафасини, мантиғини, унинг ижтимоий аҳамиятини ниҳоятда зукко англаган олим муҳим бир ғояни илгари суради: тил билмоқ лозим. Қанча кўп тил ўрганилса, дунёни англамоқ шунча осон кечади”.¹⁹ Бу фикрнинг бугунги кун учун ҳам нечоғлик аҳамиятли эканлиги узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида хорижий тилларни ўрганишга эътиборнинг кучайганлиги далолат бериб турибди.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистонда туркий тилни расмий идора тили сифатида қабул қилиш зарурлиги хусусида 1908 йилда рус амалдорларига мурожаат қилган. “Натижа бўлмагач, орадан яна ўн йил ўтиб, 1918 йилда Бехбудий бу долзарб масалани янги маъмурлар олдига қўйди”.²⁰ Маҳмудхўжа Бехбудий маърифатпарвар сифатида муроса йўлини танлади. Ўз халқининг келажақдаги тараққиёти учун тил ўрганишга чақиради. “Шариат илми мадрасаларга, қонун илми Русия дорилфунунларига ўқилур. Дорилфунунга кирмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияга ўқумоқ керак”, дейди.²¹ Гимназияларга имтиҳон топшириб, ўқишни давом эттириш учун жаҳид мактабларида ўқиш лозим эди. Бундай мактабларда иккинчи ёки тўртинчи йилдан сўнг рус тилини ўқитиш дастурлари ҳам киритилган эди. Узоқни кўра билган Бехбудий содир бўлаётган сиёсий жараёнларга оқилона баҳо бериб, ўша даврдаги воқеалардан тўғри хулоса чиқара олди. У Туркистонда туркий тиллар ичида ўзига хос нуфузга эга бўлган ўзбек тили давлат тили сифатида тан олиншини таклиф қилди. Мурожаатларини газета ва журналлар орқали бериб борар экан, унда ўзбек тилини давлат тили даражасига олиб чиқиш масаласини кўтаради. Жаҳидларнинг асосий вазифаларидан бўлган Туркистонни озод ва обод кўриш, маҳаллий халқлар ҳақ-ҳуқуқини ифодалаш каби миллатпарвар ғояларни ҳам илгари суради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Маҳмудхўжа Бехбудий асарларининг тил ва услуб хусусиятлари”** деб номланган. Бобда адибнинг бадиий асарлари, публицистик мақолалари, хат ва ёзишмалари, ҳукумат вакилларига жўнатган мурожаатномалари тили ва услуби қиёсланади. Бобнинг биринчи бўлими *“Бадиий асарлари тил ва услуб хусусиятлари”* деб номланиб, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси тили ва ёзилиш услуби қиёсий, статистик методлар билан изоҳланган.

¹⁹ Каримов С. Бехбудий – ўзбек тилининг жарчиси // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2002. –Б.34-37.

²⁰ Абдиев М. Бехбудий ўз даврида ўзбек тилини давлат тили сифатида тан олинishi учун курашганмиди? <http://zarnews.uz/6h5>, 18.01.2021.

²¹ Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим / Танланган асарлар, I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018. –Б.384.

Драманинг тили ва услубий хусусиятлари ҳақида сўз юритилганда, унинг ёзилишига сабаб бўлган омилларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Рус босқинчилиги оқибатида Туркистон халқлари орасида юзага келган нотинчлик, авомлик, саводсизлик, шунингдек, русларнинг маиший турмуш тарзи халқимиз маънавий муҳитига таъсир қилмасдан қолмаган, албатта. Аҳволни бошқалардан кўра аввал пайқаган зиёлилар бу таъсирни бартараф этиш ва оқибатларини халққа тушунтириш чораларини излашган. Масалан, Беҳбудий асарни ёзиш билан халққа етказмоқчи бўлган асосий ғоялари ва фикрларини “Падаркуш” драмасидаги бадий образлар – Зиёли ва Домулла нутқида кўчирган. Бу масаланинг мазмун томони дейилса, шакл томони, яъни уларнинг тили ҳам даврнинг ўқимишли кишиларига хос тарзда танланган. Зиёли нутқида қўлланилган русча, арабча сўзлар, форсий изофалар унинг маънавий-маърифий қиёфасини томошабин кўз ўнгидида шакллантириб беради.

Драмадаги яна бир образ – Домулла бўлиб, унинг нутқидаги гап қурилиши ҳам Зиёлининг нутқи каби илмий ва расмий услубларга хосланган: *Худо умр берсун, усули жадида мактабигами ўқийдур ёинки эски мактабга?* каби. Айни пайтда *мулло, намоз, мусулмончилик, савоб бўлмоқ, шариат илми, зарурияти диния, наузамбиллоҳ, охират, фарз, амри маъруф, иншооллоҳ, алифни таёқ демоқ, гуноҳкор бўлмоқ, мусибат, қурбони жаҳолат, Оллоҳ сабр берсун* сингари сўз ва ибораларнинг қўлланилганлиги билан фарқ қилиб туради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг жадидона қарашларини ана шу икки образ тилида намоён эта олган. Драма ҳажми унчалик катта эмас. Фойдаланилган сўзлар частотаси ҳам шундан келиб чиқади. Компьютер ҳисоб-китобларига кўра, унинг матнида 1462 та сўзшакл 2643 марта қўлланган.²²

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳали ўзбек адабиётида шаклланмаган жанр – драматик асар ёзишга қўл уришининг ўзи давр учун инқилобий бир ҳодиса эди. Тилимизга ташқи тазйиқлар кучайиб турган бир пайтда оммабоп асар яратишнинг масъулияти ҳам бундан кам эмасди. Шунга қарамасдан, у асардаги ҳар бир образ устида жиддий ишлади. Уларни жамиятдаги мавқеига қараб сўзлатди ва бу гапларнинг халқ учун мумкин қадар таъсирли бўлишининг уддасидан чиқа олди. Асар ҳажм жиҳатдан кичик бўлса-да, унда давр тили ҳамда у давр зиёлилари ва бошқа қатламларининг сўзлашиш услубларида ўз ифодасини топди.

Бадий матнлар ўзи яратилган давр тили, тилнинг грамматик қурилиши, луғавий таркиби, функционал-стилистик хусусиятлари тўғрисида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Беҳбудий асарлари, хусусан, “Падаркуш” драмаси ҳам адиб яшаган давр ижтимоий-сиёсий

²² Бу каби статистик кузатишлар Ф.Бобожонов томонидан ҳам олиб борилган. «Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмасида луғавий бирликларнинг қўлланилиши бўйича статистик таҳлил ўтказилганида, драма матни жами 2176 сўздан иборат бўлиб, унда 822 та луғавий ва фразеологик бирлик 1314 хил грамматик шаклда намоён бўлган». Бобожонов Ф.К. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари: Филол.фан.номз.дис... – Самарқанд, 2002, –Б.22.

ҳолати баробарида ўша давр тили тўғрисида муайян тасаввур уйғотади. Беҳбудий ёзган бадий, ижтимоий-сиёсий ва маърифий, илмий-танқидий ва адабий асарлари матнининг лингвостилистик таҳлили нафақат адиб яшаган давр тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда, балки унинг ижодида маърифатпарварлик ғояларининг ифодаланиш услуби тўғрисида ҳам муайян маълумотлар беради.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими *“Ижтимоий-сиёсий ва маърифий асарлари тил ва услуб хусусиятлари”*га бағишланади. Маҳмудхўжа Беҳбудий қисқа умр кечирган бўлса-да, эл-юрт фидойиси сифатида ғоятда самарали ижод қилган.²³ Адабиётшунос Б.Қосимовнинг таъкидлашича, адибнинг илмий-публицистик мақолалари сони 500 тагача боради.²⁴

Лексик ранг-баранглик устунлик қилган Беҳбудий публицистикасида *жамият, давлат, irq, миллат, исён, ҳуқуқ, фалсафа, Государский Дума (баъзи ўринларда Государственный Дума), идораи марказия, фирқа, қурултой, маишута (конституция), истинтиқо (тергов)* каби ижтимоий-сиёсий ва юридик терминология фаол ишлатилган.

XX аср бошларида ижтимоий тузумда содир бўлган ўзгаришлар, албатта, тилнинг лексик бойлигига ҳам таъсир қилмасдан қолмаган. Бунинг акси Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларида ҳам кузатилади.

Беҳбудий томонидан ҳар иккала услуб – публицистик ва расмий услубда шакллантирилган матнлар лексик-фразеологик ҳамда грамматик воситаларнинг танланиши ва қўлланишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг *“Ойина”* журналининг турли сонларида эълон қилинган бир қатор асарлари, масалан, *“III Думанинг аладдул эҳтиром мусулмон фракцияси рижоли мужаҳидлари мажлисларина”*, *“Иккинчи дума фракцияи исломиянинг хизмат олийларига «Ифода»*, *“Туркистонда ислохот”*, *“Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси”*, *“Турк адами марказият фирқасининг низомномаси”* каби мақолаларини публицистик мақолалар эмас, балки расмий услубга доир ҳужжат-мақолалар сифатида қараш маъқул. Давлат думасига вакил сайлаш, уларнинг ваколатлари қатъий белгилаб берилган. Туркистон қозилари, ички ишлар вакилларининг иш фаолиятлари бандма-банд келтирилгани, ҳукумат олдига қўйилган талаблар, ер, сув, диний ва расмий идораларнинг иш фаолияти, туркистонлик фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари изчилликда баён этилгани ва маъно жиҳатдан бир-бири билан узвий боғланганлигига кўра публицистик матнлар баён услубидан жиддий фарқланади.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1910 йиллардан кейин ёзган ижтимоий-сиёсий ва маърифий мавзулардаги асарлари тилида соддалик, халқчиллик томон жиддий ўзгаришлар сезилади. Уларнинг сони 70 яқин ва асосан *“Самарқанд”* газетаси ва *“Ойина”* журналы саҳифаларида чоп этилган.

²³ Беҳбудий М. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2 нашри. – Тошкент: Маънавият, 1999, – Б.18.

²⁴ Бегали Қосимовнинг фикри тўғри, деб ўйлаймиз. Агар Беҳбудий раҳнамолигида нашр этилган *“Самарқанд”* газетаси ва *“Ойина”* журналининг ҳам барча сонлари тўлиқ сақланмаганлигини, немис олимаси Ингеборг Балдауф таъкидлаганидек, уларнинг баъзилари нафақат Ўзбекистон архивларида, балки Москва, Санкт-Петербург ва Хельсинки давлат архивларида ҳам топилмаганлиги инобатга олинса, бу рақамлар сони яна ҳам кўп бўлишига ишониш мумкин. Бу ҳақда қаранг: Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б.37.

Адиб қолдирган бой илмий-бадий-публицистик мерос нафақат XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Туркистон зиёлиларининг инқилобий ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий қарашларини, айти пайтда, ўз даври ўзбек тилининг ҳақиқий лисоний манзарасини ҳам ўзида акс эттирганлиги билан характерланади.

Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий асарлари XX аср бошларидаги Туркистон халқлари, жумладан ўзбек халқи ҳаёти, турмуш тарзидаги жараёнларни ўзида акс эттирди. Илмий-танқидий мақолалари эса замоннинг илғор зиёлилари ва маърифатпарварлари фаолиятидаги энг кўп ишлатилган сўз ва ибораларни ўзида акс эттиради. Бу эса адиб фаолиятида ижтимоий-сиёсий терминологиянинг маълум ўрин тутишидан далолат беради.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими *“Адабий-танқидий мақолалари тили ва услуби”*га бағишланган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1911-1915 йиллар давомида *“Туркистон вилоятининг газети”* ҳамда *“Шўро”* журналларида чоп этилган адабий-танқидий мақолалари²⁵ шу давргача нашр этилган публицистик мақолаларидан тил ва услуб жиҳатдан фарқ қилади. Бунга мутафаккирнинг кейинги йилларда жаҳон матбуотидан хабардорлик кўлами кенгайиб, тажрибаси тобора орта борганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Адабий-танқидий мақолалар туркумидаги асарларни алоҳида-алоҳида олиб қаралганда, уларда сўзларнинг танланиши кўпчилик ҳолатларда мақоланинг мавзувий характериға мос келишлиги кузатилади. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг кўп қиррали фаолиятида *журналистлик, ноширлик иши* алоҳида ўрин тутганлиги маълум. Шу боис *адад, газета, жариди, қироатхона, муҳаррир, нашириёт, “Ойина” мажалласи, нашр қилмоқ, матбуот майдони* каби сўз ва ибораларнинг, терминологиянинг етакчилик қилишиға ҳам табиий бир ҳол сифатида қаралиши лозим бўлади.

“Ойина” журналининг бешта – 1914 йил 22 мартдаги №22; 29 мартдаги №23; 5 апрелдаги №24; 15 апрелдаги №25; 19 апрелдаги №26-сонларида чоп этилган *“Сарт сўзи мажхулдур”* мақоласи ҳажм жиҳатдан анчагина катта бўлиб, тил ва услуб жиҳатдан ҳам ўзига хосдир. Мақоланинг чуқур илмий асосға эғалиги ва далилларға таянилиб ёзилганлиги нафақат ўз даври, балки ҳозирги замон адабий танқидчилиги ўлчовларидан келиб чиққанда ҳам савияси юқори даражададир.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1911 йилдан кейинги йилларда ёзилган мақолалар матнида фикр ифодаси бир қадар халқ тилиға яқинлашиб, гап қурилишида тобора содда гаплар устунлик қила борганлиги кузатилади. Шунингдек, асарлар таҳлили нутқ услубларининг шакллана бораётганлигидан ҳам далолат беради. Илмий-оммабоп тилда ёзилган ушбу асарда тил бирликларининг ҳам илмий, ҳам публицистик услуб талабларига мос келадиган тарзда қўлланилганлиги кузатилади. Ифода усулида бадийликка мойиллик ва услубда юқорилик сезилади. Бу ҳолатлар сўз

²⁵ Маҳмудхўжа Бехбудийнинг *“Эски фикрлардан”, “Мунозара” ҳақинда, “Мухтарам Мусо афанди шарафинда”, “Бехбудия” кутубхонаси, “Тиётр надур”, “Танқид-сараламоқдур”, “Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат”, “Исмоилбек ҳазратлари”, “Тиётру, мусикий, шеър”, “Тиётр”, “Тил масаласи”, “Сарт” сўзи мажхулдур* сингари илмий-танқидий мақолалари эълон қилинган.

қўллашда ҳам, гап қурилишида ҳам аниқ билиниб туради. Аммо бу ифода усули ҳар икки услубнинг ҳам ҳозирги талабларига айнан мос келмайди.

Бехбудийнинг фаолияти бевосита таълим ва журналистика билан боғлиқ. Шу боис унинг кенг қамровли ижодий жараёнда яратилган асарларининг ўз даври вақтли матбуоти намуналари – газета ва журналларда чоп этилганини инобатга олсак, Бехбудийнинг ўзбек тили публицистик услубининг шаклланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатганининг гувоҳи бўламиз. Газета ва журналлар адибнинг бадиий ижод намуналарини эълон қилинишида муҳим восита ҳисобланган.

